



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 22 июль, № 144 (5059)

Пайшанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

МУСТАҚИЛЛИК ДУРДОНАСИ

Кундан-кун гуллаб-яшнаётган пойтахтимиз дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди.



19
йил



Шу кунларда мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида энг улуг ва энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг қутлуғ 19 йиллик санасини муносиб қутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшиб, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, ҳар биримиз учун фахр ва гурур, тинчлик-осойишталик ҳамда барқарорлик тимсолига айланган гўзал пойтахтимизда ҳам ана шундай кайфият ва кўтаринкиликни кўриш мумкин.

Азим Тошкент Ватанимизнинг юзи, дарвозаси ҳисобланади. Мамлакатимизга ташиб буюрадиган ҳар қандай меҳмон юртимиз ҳақидаги илк таассуротларини, аввало, шу ердаги ўзгаришлар мисолида чиқаради, унга ўзича баҳо беради. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида пойтахтимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, уни дунёнинг энг кўзга кўринган мегаполис шаҳарлари қаторига олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлдаги сазой-ҳаракатлар қисқа вақт ичида ўз самараларини кўрсатиб, бугун Тошкент миллий ҳамда замонавий меъморилик аъёналарини уйғунлаштирган бетакрор шаҳар сифатида халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар кўндан-кўн

мақолалар учун мавзу бўла олади. Дарҳақиқат, пойтахтимизга Истиқлол улкан мартаба, нуфуз бағишлади. Бугун Тошкентда 40 дан ортқ хорижий давлатларнинг элчихоналари, бошқа дипломатик миссиялар, кўплаб обрў-эътиборли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият юритапти. Шунингдек, Тошкент Сиэтл (АҚШ), Марокаш каби шаҳарлар билан бирдорлашган.

Бу ерда БМТ, ШХТ ташкилотлари ва Марказий Осиё давлатларининг долзарб мавзу ҳамда масалаларга бағишланган халқаро анжуманлари тез-тез ўтказиб турилади ҳамда бўлиб қолди. Ўсимизда: 1998 йилда Тошкентда ЮНЕСКО ташкилоти Ижроия Кенгашининг 155-сессияси бўлиб ўтди. 1999 йилда эса Афғонистон муаммоси-

га бағишланган 6+2 гуруҳининг БМТ шафелигида йирик доирадаги учрашуви бўлиб, унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Тошкентда 2000 йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО ҳомийлигида "Динлараро мулоқот ва дунё маданияти" мавзусида халқаро конгресс, 2003 йилда "Марказий Осиё XXI асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу анжуманларда Ўзбекистонда қарор топган миллатлараро ва динлараро тотувлик, ҳамжихатлик, яқинлик энг юқори таъриф ва тавсиялар билан тилга олинди. Тошкентда бўлиб ўтган юқоридаги анжуманларда илгари сурилган ғоялар жон ҳамжамияти учун доимо долзарб аҳамиятга бўлиб келаяпти.



Ҳосан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Айни кунларда ҳам пойтахтимиз жаҳон аҳамиятига молик давра суҳбатлари, халқаро форумларнинг қайноқ маркази бўлиб турибди. Биргина жорий йилнинг ўзида бу улуг шаҳарда учта халқаро тадбир ўтказилди. Апрель ойида "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, май ойида

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси, 11 июнь кунини яна бир нуфузли тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, унинг мажлиси бўлиб ўтди. Бу халқаро форумларнинг якунлари дунё жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, атрафлича ўрганилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз ўзининг тарихий обидалари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари, юксак маданияти ва аъёнлари билан кўлаб сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

ОРЗУМ УШАЛДИ — ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРДИМ

Хан МЕНГ (Хитой):
— Ўзбекистонга оилам билан келишни ният қилган эдим. Орзум ушлаганидан бахтиёрман. Қисқа фурсатда азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетибди. Айниқса, болаларнинг ёзи таътилни мароқли ва мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитга ҳавасим келди. Рафикам ва фарзандларим билан, аввало, Мус-

қарор эканига гувоҳ бўлдим. Бу ерда барча миллат ва элатлар вакиллари аҳил-иноқ турмуш кеңираётгани бунинг ёрқин далилидир.

Оқил Ал-ЖАДҲИЙ (Миср):

— Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, машҳур тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадма-қадимлик майдонига бордик. Муаззам майдон сайёҳлар билан гажум. Мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўймоқда. Уларнинг кўплари билан суҳбатлашдик. Ҳатто айримларининг тўйида ҳам иштирок этдик. Тўғриси айтсам, бундай миллий урф-одатларга бой, файзли ва гоёт қизиқарли шодиёналарни кўрмаган эдик.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

Тошкент, ҳақиқатан ҳам, жуда гўзал. Бу ердаги янгиланишлар бунёдкор халқининг юксак салоҳияти, таваққур қудрати, истеъод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир. Шундай гўзал дийрда яшайётган халқининг фаровон ҳаётига ҳавасим келди.

Абелия ДЕЛАБЕЛЬ хоним (Франция):

— Тошкентга иккинчи келишим. Икки йил аввал "Style.Uz — 2008" дизайн ва мода ҳафталиги тадбирларида иштирок этган эдим. Ўзим модельер-дизайнерман. Шу боис мода индустрияларидан имкон қадар хабардор бўлиб бораман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ўзбек миллий матолари ва либослари фусункорлигию ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Хусусан, атлас ва адрес либосга ўзгача чирой бахш этади.

Бу гал ҳам Тошкентнинг кўп жойларини қизиқиб билан томоша қилишим асосида ширинсухан ва меҳмондўст халқини кўриб, нисбатан қалбимда катта меҳр уйғонганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик бар-

қарор эканига гувоҳ бўлдим. Бу ерда барча миллат ва элатлар вакиллари аҳил-иноқ турмуш кеңираётгани бунинг ёрқин далилидир.

Оқил Ал-ЖАДҲИЙ (Миср):

— Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, машҳур тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадма-қадимлик майдонига бордик. Муаззам майдон сайёҳлар билан гажум. Мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўймоқда. Уларнинг кўплари билан суҳбатлашдик. Ҳатто айримларининг тўйида ҳам иштирок этдик. Тўғриси айтсам, бундай миллий урф-одатларга бой, файзли ва гоёт қизиқарли шодиёналарни кўрмаган эдик.

Самир ЧАТТЕРЖИ (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонга оилам билан келдим. Саёҳатимиз жуда қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Айниқса, фарзандларим жуда хурсанд. Бу ерда болалар мароқли дам олиши учун яратилган шароит ривожланган давлатлардагидан асло қолшмайди. Истироҳат боғлари, сувиш ҳавзаларига бордик. Ҳаммаёқ тоза-озода, файзли.

"Чорвоқ" дам олиш масканида бўлдик. У ернинг тоза ҳавоси, хушманзара табиати бизни лол қолдирди. Ўзбекистонда туризм жадал ривожланмоқда.

Пойтахтининг соясалқин боғлари, заррин фарворалари, кенг ва озода кўчалари, улкан иншоотлари, энг муҳими, меҳмондўст одамлари ҳар қандай сайёҳда бу ерда яна келиш орзусини уйғотади.

ЎЗА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА эътиборида.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ОҚИЛОНА ЕЧИМЛАР

Самарқандда вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва келгусидаги энг муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят ҳокими У. Барноев олиб борди.

Маълумки, жорий йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз Исрол Каримов "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш" номли маърузасида 2010 йил учун асосий устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Айнан шу вазифаларни амалда бажариш мақсадида меҳнат қилган самарқандликлар ҳисобат даврида иқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов ва шартнома интизомини яхшилаш, иқтисодийда мутаносибликни

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

САМОЛЁТЛАР ПАРКИНИ ЯНГИЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги модификациядаги бешинчи "Ил-114-100" самолётини қабул қилиб олди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётлар паркинги тежамкор ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган замонавий авиатехника билан янгилаш ишлари давом этмоқда. Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқарилган 2020 йилгача мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури бунда муҳим омили бўлмоқда. "Ил-114-100" русумли барча самолётларга замонавий ускуналар, энг янги авионика ўрнатилган. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 2003 йилдан буюн "Ил-114-100" русумли ҳаво кемаларини ишлатиб келмоқда. Улар авиакомпаниянинг эскирган "Як-40" ва "Ан-24" самолётлари ўрнига парвозларни амалга оширмоқда. "Ил-114-100" самолёти замонавий авиатехника бозори талабларига мос бўлиб, учистехник ва иқтисодий хусусиятлари жиҳатидан афзалликларга эга. Самолёт 52 йўловчига мўлжалланган бўлиб, авиаёқилли сарф қилиш бўйича жуда тежамкор ҳисобланади.

Умуман, туманда жорий йилда маҳаллий дастур асосида лойиҳа қиймати 9 миллиард 166 миллион сўмга тенг бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга иштирослашган 11 корхона ишга туширилади ва камида 150 та янги иш ўрни яратилади.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НУКУС шаҳрида фаолият юритаётган "Кўнгил нури" маркази хотин-қизларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, оилаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга, асосийси, хотин-қизларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишига қўмақлаштириш борасида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

«Кўнгил нури»нинг хайрли ишлари

Яқинда ушбу марказ қошида янги ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Хитой Халқ Республикасидан келтирилган тивув машиналари, дазмоллар, шунингдек, газламаларга ҳар хил нақш ва эскизлар солиш имкониятига эга ускуналар каби қиймати 50 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар билан таъминланган корхонада айни пайтда 25 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермер корхона қурди

ЖИЗЗАХ. Баҳмал туманилик тадбиркор Абдумалик Ғайбуллаев ўзининг "Маннон бобо" фермер хўжалиги негизида сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди.

Лойиҳа қиймати салкам 220 миллион сўмга тенг бўлган ушбу корхонада йилга 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Айни пайтда бу ерда 5 турда сут маҳсулотлари тайёрланапти. Корхонани қўшима технологиялар билан жиҳозлаш ишлари якунланган, маҳсулот тури 8 тага ва ишчилар сони 15 нафарга етказилди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик кишиларда том маънода ерга — она-заминга бўлган меҳрин, биз, фермерларда мулкка эгалик ҳиссини оширди. Шундай бўлиши керак ҳам, аслида. Зотан, Истиқлол бизга мулкдорлик ҳуқуқини берди, фермерни мамлакат иқтисодиётининг етакчи таянч кучига айлантирди. Қувонарлиси, шу йиллар мобайнида меҳнатимиз улуғланиб, тобора қадр топиб бормоқда, муносиб баҳоланаяпти.

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Мана шундай юксак эътирофини кунини Президентимиз томонидан Ўзбекистон галлакорларига йўланган табрикда яна бир қарра хис қилдик. Юртбошимиз табригидаги "Бир вақтлар ўлкамиз ўз эътиҳини қондириш мақсадида кимгадир муҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донини четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда Ватанимиз галла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, галлани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалбдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта", деган сўзлардан ҳар қандай киши гурурланиши аниқ. Бундай фахр ва гурур туйғуси, айниқса, биз, фермерлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Негаки, жорий йилда қарийб етти миллион тонналик галла етиштирилишига республикамизнинг барча фермерлари ўз ҳиссаларини қўшди-

лар. Бугун улар ана шу меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлаёттирлар. Бугун уларнинг қадлари уйилган хирмон қадар баланд. Очиги, бу йил галлачилик учун анча оғир келди. Табиатнинг турли инжиқликлари, хусусан, айни ерга дон

Дил сўзи

сочиладиган пайт — буз фаслининг ноқулайлиги, ҳарҳордаги ёғингарчиликлар, шунингдек, турли зараркунанда ва касалликлар ўсимлик ривожига таъсир кўрсатди. Табиатнинг бундай имтиҳонларини давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли енгиб ўтиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. Шу ўринда мамнуният билан айтишим керакки, Президентимиз табригида хўжалигимиз фаолияти юритаётган Пахтаобод тумани ҳам алоҳида тилга олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки туманимизда фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис галлачиликда


юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Масалан, Ўзимиздан қиёс: жорий йилда 31 гектар ерда бугдойнинг туманимиз иқлим шароитига мос бўлган "Чиллаки" навини етиштириб, пировардида 202 тонна ҳосил олдик. Унинг 111,5 тоннасини давлатга сотган бўлсак, 91 тоннаси хўжалигимиз иштиёрида қолди. Ҳосилдорлик эса гектарига 65,7 центнерни ташкил қилди. Даромад ҳам шунга яраша — 51 миллион 300 миң сўм. Бу нимадан далолат беради? Бу келгусида фаолиятимиз янада ривожланишидан, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишидан даракдир. Зеро, Истиқлол яратиб берган имконият мулкдор сифатида танилишимизга, юртимиз ободлиги йўлида астойдил меҳнат қилишга кенг йўл очайтир.

Каримберди ЭҒАМОВ,
Пахтаобод туманидаги «Олтин» фермер хўжалиги раҳбари.

ҒАЛЛА — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

Жорий йилда юртимиз деҳқон ва фермерлари томонидан етиштирилган ялпи ғалла ҳосили салкам 7 миллион тоннани ташкил қилди.

Мамлакатимизда узоқни кўлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, фермерлик ҳаракати ривожлантирилиб, соҳага илмий асосланган, Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларнинг жорий қилинаётгани, энг асосийси, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда.



(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент улкан иқтисодий салоҳияти билан муқтадир давлатимизнинг умумиқтисодий ривожланишида катта ўрин тутди. Бунинг исботи сифатида битта далилни келтирмиш: мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган махсулотнинг 30 фо-

ли бу манзилга ташриф буюриб, Улуғ Онага таъзим бажо айлайдилар. Пойтахтлик ёш келин-куёвлар оилавий ҳаётларини бошлашдан олдин бу Эзгу тимсолни зиёрат қилишиб, халоскор ўғилларни дунёга бераган Она пойга кўнгилларидан улар гулдастала қўйдилар. Ушбу хабарда миллий нақшкор айвонлардаги Хотира китобларида Иккин-

ийл ўтиб, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқаро Бизнес-маркази ҳамда "Тошкент-плаза" савдо маркази қад ростилади. Унинг шимол томонида ҳозирги замон дунё ва талаблари даражасидаги Болалар боғи, "Аквапарк" (1995 йил) яшнаб турибди. Шах-шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур номидаги шоҳқуна бўйида

Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Тиббиёт, Банк-молия, Солиқ, Ички ишлар академиялари, Кўпгина университетлар фаолият юритмоқда. 1999 йилда Президентимизнинг Фармони билан улар қаторига яна бир олий таълим муассасаси — Тошкент Ислон универ-

ситети қўшилди. Кейинги саккиз йил мобайнида пойтахтимизда М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. М. Губкин номидаги Нефть ва газ университети филиаллари, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежмент университети, Сингапур менежмент университети институтини очилди. Шунингдек, Турин политехника университети ташкил этилди. Умуман айтганда, айни кунларда Тошкентда 30 дан ортиқ олий таълим даргоҳлари, ўнлаб академик лицейлар, касб-хунар коллежлари фаолият юритмоқда. Улар Истиқлол яратган неъматларидир.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — БОШ МЕЗОН

Истиқлол бизга нафақат эркинлик инъом этди, балки дунёни теран англаш, воқеа-ҳодисаларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан таққин этиш, миллият ва юрт дарди билан яшаш сабагини ҳам ўргатди. Эндиликда эл-юрт иши учун фидойиларча меҳнат қилиш ҳар биримизнинг қўндалик вазифамизга айланди.

19-Қавола Маҳмуд сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати этиб сайланганман. Бу ҳудудда бешта қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган. Ишни шу йилларда сайловчиларни қабул қилиш кунларини белгилашдан бошладим. Ҳозиргача сайловчилардан яқка ва кўп кишилик тартибда юзга яқин мурожаат тушди. Турли масалалардаги бу мурожаатларнинг

спорт майдонини жорий таъмирлаш учун 100 миң сўмликдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Булар, табиийки, фарзандларимизнинг билимга билим қўшиш, дунёқарабини бойитиш, спортнинг у ёки бу тури билан эмин-эркин шугулланишларида қўл келади. Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси ҳам депутатлик назоратига олинган. Дастур бўйича

Депутат ва ҳаёт

амалга оширилган ишларнинг тўқсонтаси ўз ечимини топди. Айниқса, ваколатимдан фойдаланиб, жойлардаги мутасаддиларга депутатлик сўрови билан чиқишимнинг нафи катта бўляпти. Сайловчилар билан учрашувлар жараёнида фаолиятим юзасидан ахборот бераётган, коммунал тўловларни амалга ошириш, жойлардаги ободончилик масалаларига эътибор қаратаётганман.

Табиийки, "Баркамол авлод йили" Давлат ва ҳудудий дастурини амалга оширишда фаоллик кўрсатиш ҳар бир депутат зиммасидаги муҳим вазифалардан бири. Мен сайланган сайлов округи ҳудудда 13 та умумий ўрта умумтаълим мактаби, тўртта мактабгача таълим муассасаси, 11 қишлоқ врачлик пункти, 3 та деворлош материаллар ишлаб чиқариш корхонаси, бир қўшма корхона, пахта, галла, боғдорчиликка ихтисослашган 246 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатапти. Утган давр мобайнида депутатлар гуруҳи шу корхона ва ташкилотларда бўлиб, дастур ижроси қандай бораётгани билан яқиндан танишиди, зарурат туғилганда, амалий ёрдам берилди. Чунончи, ҳудуддаги тадбиркорлар ёрдамида бешта мактаб кутубхоналарига 600 миң сўмлик бадиий китоблар, 6-мактабга гимнастика залини ташкил этиш учун 540 миң сўмлик, 2-мактабга маънавият хонасини жиҳозлаш мақсадида 230 миң сўмлик, 4-мактаб

лар билан яқиндан танишиш самараси дуруст бўляпти. Масалан, "Ростекс" корхонасида 11 та қўшма иш ўрни яратилди. Корхонада махсулот экспорти ҳажми ҳам ошди. Иккита фермер хўжалигида эса паррандачилик йўналишида ёрдамчи тармоқлар ташкил этилди. Фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томоқларида сазавот, полиз, қарошқа этиштиришни аввало йилдаги қараганда 30 фоизга қўлайтириш, махсулот таннархини 20 фоизга арзонлаштириш борадиган сабаблар қўйилди. Ободончилик, йўл қурилиши бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, "Мучавс" ички йўли бўйича режада кўзда тутилган юмушлар бажарилаётган. Ўба, Кафтаул, Кангав аҳоли пунктларида маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари таъмирланапти.

Давр биз, депутатлардан янада фаол ишлашни, ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Шу масъулият амалиёт билан уйғунлашиши, сайловчилар ишончини оқлаган бўлаемиз. Зеро, барча сай-ҳаракатлар юртимиздаги танлиқни кўз қорачиқидек асраш, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу мақсад йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Ўлмас РАҲМАТОВ,
халқ депутати Бухоро вилояти Кенгаши депутати.

САМОЛЁТЛАР ПАРКИНИ ЯНГИЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Қалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Ил-114-100" русумли яна иккита самолётни қабул қилиб олади. Уларнинг биринчиси 2010 йилнинг охирида, иккинчиси 2011 йилнинг бошида авиакомпанияга топширилади.

Шу тариқа, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси тежамкор ва қўлай замонавий самолётларга эътибор қаратган ҳолда, ҳаво кемалари паркинни янгилаш ишларини изчил давом эттирмоқда.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ДУРДОНАСИ

Кундан-кун гуллаб-яшнаётган пойтахтимиз дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди.

изга яқини пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келади. Тошкентда 5 миңдан ортиқ санат корхонаси ишлаб турибди. Шундан 1500 га яқини қўшма корхона ва фирмалар бўлиб, улар жаҳоннинг 80 дан ортиқ компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган. Шунингдек, пойтахтимизда Халқаро пахта ярмаркаларини ташкил этиш яқин аъёнага айланган. Ушбу ярмарка дунё билан иқтисодий алоқаларимизни ривожлантиришда тобора салмоқли ўрин эгаллаб бораётипти.

чи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва тандошларимизнинг азиз номлари мангуликка муҳрланган. Улар ҳар биримиз учун чўқур эъзозли номларидир.

Мамлакат Бош майдонининг меъморий композициясига Олий Мажлис Сенатининг оқ мрамари биноси, зарҳал жилвадор Ҳукумат уйи, Бизнес маркази ва Тасвирий санъат галереясининг муқташам бинолари табиий равишда қўшилиб кетган. Кўплаб фавворалар ва кўркям боғ мажмуаси меъморий-ҳайкалтарошлик ансамблини уйғун равишда бойитиш ва пойтахт марказининг бетакрор қиёфасини яратди.

Тошкентимизнинг салобатли ва кўркям майдонларидан яна бири Алишер Навоий номидаги Миллий боғдир. Миллий боғ аллақачон пойтахтнинг жўшқин маънавий марказига айланган. Бу ерда мамлакатнинг асосий байрамлари — Мустақиллик кўни ва Наврўз тантаналари ўтказилади. Олий Мажлис биноси (1997) ва "Истиқлол" санъат саройи боғ ҳудудига олиб киради. Боғ мажмуасини 2000 йилда қуриб битказилган Банклар ассоциациясининг 20 қаватли осмонўпар биноси ақунлади.

Янги Тошкентнинг манзарасида буюк бобоқалонимиз номи ила аталган Амир Темур шоҳқунаси ҳам алоҳида ўрин тутди. Шоҳқуна бугунги кунда тубдан янгиланиб, ашари кетган кўркям хабардан бошланади. Хиббон ёнида Темирийдил тарихий давлат музейи гавҳардай жилолиниб турибди. 1990 йилларнинг охирида ушбу шоҳқуна ёнида, Юнусобод мавзеси томон бораверишда Халқаро савдо кўргазмаси мажмуаси қуриб битказилди. Бу ҳудудда 1998 йилда "Интерконтинентал" меҳмонхонаси, орадан бир

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Шаҳидлар хиббони ва шу номидаги музей Ватанимизнинг энг диққат сазовор зиёратгоҳларидан биридир.

Ҳар йили 31 август тонгида пойтахтимизнинг ана шу масканида халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра, ош тортилиб, Қуръон тиловат қилинади. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари бу ерга келишиб марҳумларни ёд этдилар, уларнинг азиз руҳларига ҳурмат бажо келтирилади.

Мустиқиллик даврида пойтахтимизда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чунончи, Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши ишга туширилди. Эски шаҳар, истироҳат боғлари, бозорлар девярли қайтадан бунёд этилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Болалар ижодиёти маркази, Ўзбек миллий либослар галереяси бинолари пойтахт кўрқини очиб юборди. Марказий яшил зоналар вужудга келтирилди. Бир вақтлар серманзара табият гўзаллиқларини кўриш, гўзал хиббонларни кезиш учун истироҳат боғларига кирилар эди. Бугунги кунда пойтахтимиз улкан истироҳат боғига айланди. Қаёққа кўз ташланган, гўзал боғлар, яшил майдонлар, кўлар, ён-atroфи сўлим анқорлар, каналлар. Замонавий кўприклар, равон ва кенг йўللар, транспорт қатнайдиган ости-усти ишоотлар — эстакадалар, қалъа ўтиш йўллари...

Тошкент, шунингдек, бугун Марказий Осиёнинг йирик фан ва таълим-тарбия марказларидан саналади. Пойтахтда 40 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасалари, урта миқтавий бўлимини бирлаштирган

Дарҳақиқат, Тошкент — тарихий бой, бугунги гўзал, келажаги буюк шаҳардир. 2200 йиллик улкан тарихий бошидан кечирган, Ўзбекистон мустиқиллиги даврида қайтадан навқиронлик касб этиб, жаҳоннинг кўркям ҳамда беқиёс нуфузли шаҳрига айланган пойтахтимизнинг истиқболи янада порлоқ ва янада саодатли, шарафли бўлишига ишонамиз.

Мустиқиллик даврида пойтахтимизда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чунончи, Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши ишга туширилди. Эски шаҳар, истироҳат боғлари, бозорлар девярли қайтадан бунёд этилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Болалар ижодиёти маркази, Ўзбек миллий либослар галереяси бинолари пойтахт кўрқини очиб юборди. Марказий яшил зоналар вужудга келтирилди. Бир вақтлар серманзара табият гўзаллиқларини кўриш, гўзал хиббонларни кезиш учун истироҳат боғларига кирилар эди. Бугунги кунда пойтахтимиз улкан истироҳат боғига айланди. Қаёққа кўз ташланган, гўзал боғлар, яшил майдонлар, кўлар, ён-atroфи сўлим анқорлар, каналлар. Замонавий кўприклар, равон ва кенг йўллар, транспорт қатнайдиган ости-усти ишоотлар — эстакадалар, қалъа ўтиш йўллари...

Тошкент, шунингдек, бугун Марказий Осиёнинг йирик фан ва таълим-тарбия марказларидан саналади. Пойтахтда 40 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасалари, урта миқтавий бўлимини бирлаштирган

Дарҳақиқат, Тошкент — тарихий бой, бугунги гўзал, келажаги буюк шаҳардир. 2200 йиллик улкан тарихий бошидан кечирган, Ўзбекистон мустиқиллиги даврида қайтадан навқиронлик касб этиб, жаҳоннинг кўркям ҳамда беқиёс нуфузли шаҳрига айланган пойтахтимизнинг истиқболи янада порлоқ ва янада саодатли, шарафли бўлишига ишонамиз.

Михил САФАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

кучайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар.

2010 йилнинг биринчи ярим йилгида вилоятда ялпи ҳудудий махсулот ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 11 фоизга ўсди. Бунга санат махсулотлари ишлаб чиқаришнинг 16,2 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА ОҚИЛОНА ҲИМЛАР

ишларнинг 31,2 фоизга, чакана савдонинг 13,2 фоизга, жами ҳизматлар 20,1 фоизга, пулиқ хизматлар 9 фоизга ўсиши орқали эришилди. Шу даврда ялпи ҳудудий махсулот таркибиде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 65,8 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53 фоизни ташкил этди.

Вилоятда санат салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ва минерал хом ашёни санат йўли билан қайта ишлаш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш бўйича ҳудудий Дастур ишлаб чиқилди. Дастурга асосан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 142 та лойиҳа ишга туширилиши белги-ланган бўлиб, амалда 151 лойиҳа рўйбга чиқарилди. Бунинг натижасида 31,6 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 2419 та янги иш ўрни яратилди.

Ийгилишда вилоят иқтисодиёти ва бошқа жабҳаларда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам фикр юритилди. Уларни тузатиш, ишни яхшилаш йўллари изланди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-босари У. Розуқулов сўзга чиқди.

А. САТТОРОВ.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — ДАСТУРХОН КЎРКИ

Эътибор, имконият ва шарт-шароитлар. Бугун юртимизда ўз бизнесини йўлга қўйган ёки шу соҳада фаолият бошлашни ният қилган ҳар бир фуқаро ана шундай қўлайликлардан баҳраманддир. Зеро, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини изчил ривожлантириш, янги корхона-лар барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва таълимий жиҳатдан қайта жиҳозлашга устувор вазифалардан бири сифатида аҳамият қаратилиб, шу орқали аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга ишончли пайдевор яратилмоқда.



лият юритиши ҳаммаимиз учун ҳам фахр, — дейди ишчи Зуҳра Қосимова. — Ўзимдан келиб чиқиб айтганим бўлса, ишнинг жуда яхши қўраман. Бу ерда биз учун ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан барча имкониятлар яратиб берилган. Энг муҳими, меҳнат қилиб, оиламизга барака киритаямиз.

Дарвоқе, яқинда пойтахтимизда ташкил этилган Халқаро санат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқини доирасидаги санат тармоқ ярмаркаларида ҳам ушбу корхона фаолияти юқори баҳоланди. Демак, бу "Янгийўл сут" ХФ жамоасининг "ҳаракатда барака" шioriга қатъий амал қилишининг ёрқин натижасидир.

Санджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: ишчилар Наргиза Шералоева, Гулноза Турсунбоева.

Бахтиёр АКРАМОВ
олган сурат.

Бундан ўн йил муқаддам Янгийўл шаҳрида фаолият бошлаган "Янгийўл сут" хусусий фирмаси ўзининг сифатли сут ва сут махсулотлари билан аҳоли орасида эътибор қозонган барқарор корхоналардан биридир.

Утган давр мобайнида корхона соғлом рақобат муҳитида шаклланди. Изланиш,

интилиш, энг муҳими, эътибордан унутили фойдаланиш ўз мевасини берди. Ҳозирги кунда бу ерда 29 турда махсулот ишлаб чиқарилиб, савдо нуқталарига етказиб берилаётган. Бежирим идишларга қадокланган сут, қатик, сарийё, қаймоқ, сметана, пишлоқ, твoрoқ ҳамда айрон хуш таъми билан истеъмол-

чиларга манзур келмоқда. Аҳамиятлиси, махсулот хом

Изланиш

ашёси Тошкент вилоятининг ўзидан, хусусан, Янгийўл ва Чиноз туманларидаги фармо хўжалиқларидан шартнома асосида олинади. 2009 йилда "Янгийўл сут"

ХФ томонидан аҳолига жами 316 млн. сўмлик махсулот етказиб берилди. Корхонада йигирмага яқин киши иш билан таъминланган. Уларнинг барчаси яратиб берилган меҳнат шaroитларидан мамнун.

— Ҳудудимизда шундай замонавий корхонанинг фао-

Қашқадарё вилояти: КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Айни пайтда вилоят ялпи ҳудудий махсулотининг катта қисми мазкур соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келяпти. Яратилган имконият имтиёзлар эса воҳа тадбиркорларини янги марралар сари ундамоқда.

Ғузoр туманидаги "Эна Бибиол" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси — ана шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. — Биласиз, ҳозирги кунда мамлакатимизда қурилиш махсулотларига талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётган, — дейди корхона раҳбари Шокир Мўминов. — Шу боис эндиликда бундай махсулотларни қўшимча имкониятларни юзгага чиқарилаётипти.

Бунда Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Девор-боп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Негаки, корхонамиз айнан мазкур қарор талаблари асосида ташкил этилди. Изланган, интилган имкон топиши, шубҳасиз. Фаолиятинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилса-ку, нур устига аъло нур. Масалан, корхонамизга молия муассасасининг 180 миллион сўмлик кредити эвазига Хитой давлатидан гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий ускуна-ни келтириб ўрнатди. Юр-тобимизнинг юқориде айтиб

ўтилган қарори ва унда белгилаб берилган бир қатор имтиёзлар ана шундай эзгу мақсадлар рўйбга кизмат қилаёпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳозирда 50 киши ишлаётган корхонамизда тайёрланаётган пишик гиштга қўллаб қурилиш ташкилотлари хари-дор бўлаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Шу ўринда айтиб ўтишим кераки, бевосита Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар-жойлар қурилиши бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли турмушини тубдан ўзгартириб юборди. Қад ростлаётган ши-на уй-жойларга монанд бар-по этилаётган турли ижтимоий

яти чекланган жамияти ҳам боғ. Зотан, корхонанинг Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ўтказилаётган тендерларда муваффақиятли иштирок этиб келаётгани бежиз эмас. Қола-верса, бу ерда модернизациялаш ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқдаки, буларнинг бари соҳа истиқболига хизмат қилмоқда. Мисол учун, жамиятга хориждан 19,9 миң АҚШ долларлик мебель тайёрлашда фойдаланиладиган замонавий технология келтириб ўрнатилганидан сўнг махсулот турли кўпайиб, сифати янада яхшиланди.

Маълумки, бугун дунё бўйича кузатишга глобал молия-

вий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳали-ҳануз тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Ундан қачиб кетиш ёки таъсирини қаммайтириш учун дунё миқёсида турли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Қувончлиси, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида

да муҳим аҳамият касб этди. Натижада Президентимиз 2009 йилнинг асосий ақунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар, аввало, энг асосий масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга йўналтирилди.

Дилшод ҲУМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЖАҲОН 24 соат ичида

Қаҳратон ва жазирама

Жанубий Америкада об-ҳавонинг кутилмаганда кескин совиб кетиши аҳоли учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.



Хусусан, Перунинг тоғли худудларида ҳаво ҳарорати минус 23 даражагача тушиб кетди. Оқибатда 112 киши ҳаётдан кўз юмди. Бундан ташқари, Аргентинада 16 киши, Боливияда 18, Бразилияда 9, Парагвайда 5 киши табиий офат курбонига айланган. Минглаб чорва моллари нобуд бўлган. Боливия ва Перуда ҳафта охиригача мактаблар ёпилган. Жабрланганларга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш катта муаммо тудирмоқда.

Польшада эса, аксинча, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетди.

Натижада эликдан ортиқ киши вафот этди. Уларнинг кўпчилиги жазирамадан кутуламан деб сув ҳавзасига чўкиб кетган. Бугунги кунда ҳам мамлакатнинг Россия минтақасида ҳаво ҳарорати 32 — 36 даражани ташкил этмоқда.

Хотиржамликка ўрин йўқ

Буёқ Британиянинг "BP" компанияси Мексика кўрғазидagi нефть платформасидан сизиб чиқарган "қора олтин" тўлалигича жиловлангани ҳақида хабар тарқатган.

Кудуқлар янги химоя қатлами билан қоплангани туфайли компания вакиллари ана шундай хулосага келишган. Аммо сув юзасида пайдо бўлган нефть доғлари таъмирлаш ишлари мукамал бажарилмаган, деган фикрни келтириб чиқармоқда. Агар мазкур ҳолатнинг ўз вақтида олди олинмаса, экологияга яна зарар етказилиши мумкин.

Энг қадимий қўшиқ

Суриялик тадқиқотчилар 3,5 минг йиллик тарихга эга сопол тахтачага ёзилган қўшиқ матнини тикладилар.

Маълумотларга кўра, бу топилма ёзма шаклдаги энг қадимий мусиқий асардир. У кўна санъат марказларидан бири ҳисобланадиган Угарит шаҳри ақинидан қазиб олинган.

Аниқланишича, "Тонг", "Оқшом", "Угаритда байрам" номли мусиқий ижод маҳсуллари ўша пайтда яқкаҳон хонандалар томонидан ижро этилган.

Жиноятчилар жазоланади

Ўтган йили кузда Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида йирик ўғирлик содир этган ўн нафар шахсга нисбатан айбон эълон қилинди.

Тартиб посбонлари қонунбузарлар томонидан амалга оширилган қинғир иш ҳақидаги видеолархрани ҳам кенг оммага намойиш этилди.

Унда олиб қочилган вертолётда "G4S" компанияси томига қўнган ўғирлар қандай қилиб қиймати 4 млн. еврога тенг қимматбахо қоғозлар ва маблағни ўзлари билан олиб кетгани ақс этган.

Жиноятчиларнинг беш нафари ўғирликда, яна беш нафари уларга ёрдам берганликда айбонмоқда.

Улкан балиқ тоғилди

Канаданинг Манитоба провинциясида олиб борилган палеонтологик қазилар пайтида улкан балиқ — ксифақтин қолдиқлари топилди.

Унинг ёши 80 млн. йилга тенг экани айтилмоқда. Текширувлар натижасида 6,5 метр узунликдаги сув ости жонзоти йиртқичлар турига мансублиги маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, унинг суюқлари орасида яна бир гигант ҳайвон — калтакесаксимон мозазавр суғичлари қолдиқлари борлиги аниқланган.

Йўловчиларга қийин бўлди

Франциядаги барча аэропортларда авиадиспетчерлар иш ташлаш эълон қилдилар.



қида авиопарвозларни назорат қилувчи ягона тизим ўрнатилишидан норози эканликларини шундай йўл орқали билдиришган.

Натижада минглаб йўловчилар манзилларига ўз вақтида етиб бора олмадилар. Ходимлар Европа Иттифо-

қида авиопарвозларни назорат қилувчи ягона тизим ўрнатилишидан норози эканликларини шундай йўл орқали билдиришган.

Маълумотларга кўра, агар янгича тизимга ўтиласа, яқин уч йил ичида мамлакатда юзлаб иш ўринлари қисқартирилиши мумкин экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кўчмас мулк бозори ҳам шаклланиб, тобора ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда "Биржа" сўзининг моҳияти ва унинг вазифалари барчага маълум. Бинобарин, энг адолатли, холис, очик-ошкора савдо ҳамда олди-сотди жараёни биржада ҳам намойён бўлмоқда. Айниқса, бу кўчмас мулк савдо-сида яққол кўзга ташланаётган. Ўзбекистон Республикасининг "Биржа ва биржалар

фаолияти тўғрисида"ги янги тахрирдаги Қонуни ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб бораётган биржалар юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнларида ўзига хос ўринга эга бўлишмоқда. Республика кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиали фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

— Маълумки, биржалар мамлакатимизда 16 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Бу вақт мобайнида биржа ходимлари катта тажриба ва маҳоратга эга бўлдилар. Дастлаб фақат давлат мулкни хусусийлаштириш билан шуғулланган бўлса, эндиликда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча соҳалар бўйича эркин савдолар йўлга қўйилган. — дейди мазкур филиал директори Бахтиёр Саиджонов. — Бу кўчмас мулкнинг эркин бозорини янада ривожлантириш, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу билан бирга, хорижий инвесторларга фаол қатнашиш имконини бермоқда. Биржа савдолари ошқора ва оммавий тарзда, нархларнинг эркин шаклланиши, битимлар тузиш ихтиёрийлиги, шарт-шароит барча иштирок-

чилар учун тенглиги тамойиллари асосида ўтказилаётгани мижозларга маъқул келмоқда. Айниқса, "аукцион", "танлов", "биржа" савдолари каби усуллардан кенг фойдаланилаётгани фаолиятимиз самарадорлигини таъминламоқда. Мисол учун, марказлашган электрон биржа савдолари олдиндан белгилаб қўйилган вақтда, жойда, ташқи аралашув ва таъсирларсиз электрон кўринишида автоматлаштирилган тарзда ўтказилади. Бунда брокерлар воситачилигида кимдир ўз мулкни савдога чиқаради, кимдир савдодаги мулкни сотиб олади. Мижозларга бу тарзда тенг шароит яратилганлиги ишмизнинг асосий хусусиятларидан биридир. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида филиалда жами 186 та савдо ташкиллаштирилиб, уларда умумий қиймати 4 миллиард

442 миллион сўмдан ортиқ кўчмас мулк олди-сотдиси расмийлаштирилди. Булар, асосан, хусусийлаштириш бўйича давлат дастурига киритилган кўчмас мулк объектлари, суд ижрочилари

Жараён

томонидан рўйхатга олинган мол-мулклар ҳамда яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун ер майдонларидир. Натижада 535 та объектнинг эгаллиги шакли ўзгарди. Шундан 38 таси қишлоқ ҳўжалик иншооти, 69 таси ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, 87 таси эса автотранспорт воситасидан иборатдир. Жорий йил ўтган даврида савдо ҳажми 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 116 фоиз, сотилган объектлар сони 129 фоиз

ўсди. Бунда савдога қўйилган барча объектлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларнинг мижозларга ўз вақтида етказилаётгани, харидорларни объектлар билан таништириш жойида ташкил этилаётгани каби қулайликлар бош омил бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўчмас мулк биржаси фао-

Шунингдек, Урганч шаҳрида фойдаланилмадан турган яна бир объект МЧЖ шаклидаги "Мега-сфера" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси томонидан сотиб олиниб, бу ерда мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 310 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Корхонага Германия ва Италия давлатларидан энг сўнгги русумдаги технологиялар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 40 нафар киши меҳнат қиляпти. Улар 40 турдан ортиқ турли хил сифатли мебельлар тайёрлашмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айтиш жоизки, кўчмас мулк биржаси филиали иш фаолиятини ана шундай жиҳатлари билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, аҳоли даромадларининг орттишига маълум маънода ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзининг фаолият йўналиши билан иқтисодиётни эркинлаштириш, соғлом рақобатни қучатиришга хизмат қиляпти. Биржанинг замонавий технологиялар билан жиҳозлангани, малакали кадрларга эгаллиги ютуқлар салмоғини оширишда қўл келмоқда. Филиал жамоаси келгусида ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришга, кўчмас мулк бозорига ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлишига шубҳа йўқ.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОВУЛЛАРДА — КОМПЬЮТЕР ЎҚУВЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши ташаббуси билан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврида уларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлири талабаларининг "Бунёдкор — 2010" меҳнат гуруҳлари ташкил этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида тахсил олаётган 32 нафар талаба "Бунёдкор — 2010" меҳнат гуруҳи таркибида ёзги таътил даврини олиб овулларда ўтказмоқда. Улар жойларда аҳоли ўртасида компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-семинар машғулотларини ташкил этди.

Чимбўй туманида ўтказилган ўқув машғулотларида овул ва маҳаллаларда компьютер технологияларига қизиқувчилар, корхона ва муассасалар ходимлари, мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар кол-

"Бунёдкор — 2010"

лежлари ўқитувчилари қатнашди. — Машғулотлар дастури беш кунга мўлжалланган

бўлиб, уларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, интернетга улашиш, компьютер тизими тўғрисида дастлабки маълумотлар берилди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари унйверситети Нукус филиали ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси Меҳрибон Пирназарова. — Талаба-ёшларимиз билимини амалиётда қўллаб, тингловчиларга

компьютер техникаларини бошқаришда кўмаклашмоқда.

— Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида "XXI аср — ахборот технологияларини ривожлантириш асри" деб номланган курс бўйича машғулотлар олиб бораётган "Бунёдкор — 2010" талаба-ёшлар гуруҳлари ўқув қўлланмалари, мультимедиа дастурлари билан тўла таъминланган, — дейди университет филиали проректори Қайрат Сейткамолов. — Барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кеңайтиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Талабаларимиз томонидан ўтказилаётган машғулотлар ушбу мақсадга хизмат қиляди.

А. ОРТИҚБОВЕ, ЎЗА мухбири.

Бугун Ёзёвон туманидаги қасаначи Зиёдулла Ғайназаров томонидан тайёрланган эркаклар кийим-бошлари, кўйлақлар, тўн ва бошқа маҳсулотларга талаб катта.

Қишлоқ қасаначилари

У Ёзёвон қишлоғидаги "Бибисора Неъматова" хусусий корхонасига қасаначилик асосида ишга жалб этилган. Корхонада Зиёдулла Ғайназаров 20 нафар қасаначи меҳнат қилмоқда.

Касаначилик нафақат иш бериувчи корхонага, балки қасаначи оилаларга ҳам мўмайгина даромад келтирляпти. Шу туфайли тумандаги "Водий чиннигуд", "Алгоритм", "Фарзона элит" хусусий корхоналарида қасаначилик асосида меҳнат қиляётганлар сафи тобора кенгайиб бораляпти.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳунарманд шижоати

Андижон туманида кичик бизнес субъектлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 102 та хусусий корхона ўз фаолиятини бошлагани ва уларнинг жами сони 3051 тага етказилгани бунинг далилидир. Яқинда эса тadbиркор Тоҳиржон Қодиров янги корхона ташкил этди.

Мазкур корхонанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган Қўнжи қишлоғилик йигирма нафар ёгочсоз устани бир жойга жамлаб, "Абдурахмон мебель санает" корхонаси сифатида иш бошлади.

Корхонада юмошқ мебельлар, стол-стуллар, ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар фойдаланиш учун қулайлиги, пишиқ-пухталиги билан ҳам мижозлар эътиборини тортмоқда.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ. Кимё лабораториясига қуйидаги аналитик асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун тендер эълон қилади: аммиак, олтингургурт диоксиди, азот диоксиди ҳамда углерод оксиди таркибини аниқлайдиган кўчма газоанализатор — 1 дона; оғир металл таркибини аниқлайдиган полярограф — 1 дона; кистлороднинг кимёвий ва биокимёвий истеъмолни аниқловчи ускуна — 1 дона; нефть маҳсулотлари таркибини аниқловчи ускуна — 1 дона.

«ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки компьютер ва периферия қуриммаларини етказиб бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Танловда қатнашиш истагидаги ташкилотлар танлов шартларини 2010 йил 4 августга қадар олиши мумкин. Тижорат таклифлари 2010 йил 11 август кунин соат 12.00 га қадар қабул қилинади. Танлов шартларини олиш ҳамда тижорат таклифи тақдим этиш манзили: 100000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 17-уй, «Ипотека-банк» АТИБ биноси. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-98-05, 150-89-25, 150-98-02.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган). СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100. Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб. ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача; Бундан ташқари: ИИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм. КАРБИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм. ТЕЛЕФОН: (8-371) 241-31-72. ФАКС: (8-371) 241-31-94.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.

Продаются КВАРТИРЫ ОТЗАСТРОЙЩИНА В Янқасарайском районе. Ипотека при поддержке банка Аска. Низкие цены! 281-52-02, 709-08-77, 365-99-00

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом вояга етишларини таъминлашга қаратилган аниқ ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга ижтимоий тартиқ этилмоқда. Зеро, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлоднинг вояга етказиш борасида амалга оширилаётган саноатчилик, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар бунинг тасдиғидир.

Шу каби ҳаётий муҳим вазифаларни бажаришда Республика репродуктив саломатлик марказининг ҳам муносиб ўрни бор. Марказимиз 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, бугун жойларда унинг 19 та филиали мавжуд. Қолавер-

ликлардан сақланиш, гўдакни кўкрак сути билан боқилишнинг афзалликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ёшларимизнинг тиббий маданиятини ошириш сингари долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Биргина

Соғлом она — соғлом бола

са, шаҳар ва туманлардаги шифо муассасалари, кишлоқ врачлик пунктлари қошида репродуктив саломатлик бўлимлари ташкил этилган. Марказимизнинг малакали мутахассислари мазкур шифо масканларидаги умумий амалиёт врачларининг малакасини оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Аслида репродуктив саломатлигини асрашдан мақсад соғлом фарзандни дунёга келтириш, она ва бола соғлиғи ҳамда ҳаётини муҳофаза қилишга эришишдир.

Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, чекка кишлоқ ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, репродуктив саломатлик масканларида фаолият юритаётган тиббий ходимлар бўлажак оналарнинг ҳомиладорлик даври кўнгилдагидек кечиши ва бехатар туғуруқни таъминлаш, оналар ва янги туғилган чақалоқларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бевақт ҳомиладорликнинг олдини олиш, бепуштлиқ, юқумли касал-

жорий йил бошидан буён мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда 5 минг нафардан зиёд мутахассис иштирок этганлигининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Марказимиз ташаббуси билан ҳар ойда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туғиш ёшидаги аёлларни комплекс соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилади. Ушбу тадбирда пойтахтдаги малакали шифокорлар чекка кишлоқ ва маҳаллаларга юборилиб, улар томонидан хотин-қизларни бепул тиббий текширувдан ўтказиш ва зарур муолажаларни қўллаш бўйича ҳудудлардаги мутахассисларга тегишли тавсиялар бериб борилади.

Ҳаётий кузатуваримизга таяниб айтишдан бўлса, бугунги кунда туғиш ёшидаги аёллар орасида биринчи фарзанди дунёга келганидан сўнг ўз соғлигини тўлиқ тиклаб олишга улгурмай туриб, яна ҳомиладор бўлиш ҳолатлари ҳали-ҳамон учрамоқда. Энг ёмони, ҳомиладорлик туфайли она сўтидан барвақт ажратилган гўдак ўсиш ва ривожланишда ортада қолиб, болани сунъий овқатлантириш жараёнида ҳар доим ҳам гигиена қоидаларига риоя қилинавермаслиги натижасида ўткир юқумли ичак хасталиклари келиб чиқиши мумкин.



Буларнинг бари ҳар бир она билиши ва қатъий риоя қилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлардир. Шу маънода, мазкур тушунчалар кизиларимиз, яъни бўлғуси оналар онгига ёшлиқдан оқиб синдириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Республика репродуктив саломатлик маркази директорининг ўринбосари.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлоднинг вояга етказишга давлат сийбати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари билан ишларни ташкил этишга ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, чекка-чекка кишлоқларида ҳам спорт майдончалари ва комплекслари қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, бири-биридан чиройли, замон талаблари даражасида қурилган спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Уларнинг асарияти аҳоли зич жойлашган ҳудудларда бунёд этилаётгани аҳамиятлидир.

Самарқанднинг энг гавжум гўшаларидан бири — Сартепадаги шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли болалар спорт мажмуаси бугунги кунда ёшларнинг севимли масканига айланган.

Мажмуада бўлган кунимиз унинг спорт зали арталданок бадий гимнастикага илос қўйган қизлар билан гавжум эди. Уларга спортнинг бу жозибали тури сирасорларини ўргатаётган мураб-

САМАРҚАНДЛИК ГИМНАСТИКАЧИЛАР ЮТУҒИ

бий Елена Асланова билан вилоятда бадий гимнастиканинг бугунги аҳоли ҳақида суҳбатини таъкидлаш жоиз.

— Бадий гимнастикага жалб этилган қизларимиз сони 200 нафарга яқинлашиб қолди, — деди Елена Асланова нигоҳларини нафис ҳаракатли қизлардан узмай. — Сартепа болалар спорт мажмуаси спортнинг ушбу тури бўйича вилоятдаги марказ ҳисобланади. Вилоят терма жамоаси машғулотларни доимо шу ерда ўтказди.

Елена Асланова 8 ёшдан 17 ёшгача бўлган бадий гимнастика бўйича вилоят терма жамоасининг бош мураббийи. Шогирдлари доимо республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Масалан, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон кубогига Мафтуна Шамсиева ва Людмила Поверенова мутлақ голибликни қўлга киритишди. Комила Абдурашулова ва Алёна Ким эса иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Янада қувончлиси, Мафтунанинг Германия, Бельгия,

Россия, Қатар ва Словения каби мамлакатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам биринчи ўринни эгаллаб, кўпчилик спорт илосмандлари эътиборига тушгандир.

— Қизимнинг бадий гимнас-

етади. Юртимизда болаларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, улардаги қobiliчи ўринни эгаллаб, кўпчилик спорт илосмандлари эътиборига тушгандир.

Президентимиздан беҳад миннатдоримиз. Бугун вилоят терма жамоасига



Болалар спорти

ди Мафтунанинг онаси Гулзора Миржафарова. — Мураббий Елена Асланова бизни илқ қаршилаб, Мафтунани бошқа тенгдошлари қатори машқларга жалб этди. Мана, бугун қизим қўлга нуфузли мусобақалар иштирокиси ва голибликга айланди. Унинг бундай муваффақиятларидан бошим кўкка

Мафтуна ва унинг тенгдошларидан иборат 15 нафар қиз жалб этилган. Уларнинг барчаси ҳали мактаб ўқувчилари. Лекин белгиланган машқларда иштирок этишни бирор марта қанда қилишмайди. Людмила Поверенова, Комила Абдурашулова, Алёна Ким, Юлия Иванова, Фотима Жўрақулова ва

Рухшона Эргашева вилоят терма жамоаси сафида республика ва жаҳон миқёсидаги турнирлар соҳибдорлигига айланган.

Мажмуада болалар спорти оммавийлиги таъминланаётгани биргина бадий гимнастика машқларида эмас, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, бокс, таэквондо, стол тенниси, шахмат-шашка каби турларида ҳам кўзга ташланади. Бу ерда ҳар қуни 500 нафардан ортиқ болалар машғулотларда қатнашади.

— Сартепа ҳудудда саккизта маҳалла, иккита умумтаълим мактаби, иккита касб-хўнар коллежи, битта академик лицей мавжуд, — дейди болалар спорт мажмуаси раҳбари Бехзод Пўлатов. — Улардан 446 нафар ёш, жумладан, 107 нафар қиз мажмуаимизда спорт билан мунтазам шуғулланади. Бундан ташқари, шаҳардаги 4-мажсус болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактабининг 200 нафарга яқин тарбияланувчиси бадий ва спорт гимнастикаси билан шу ерда шуғулланишади. Яқинда волейбол, баскетбол, енгил ва оғир атлетика машғулотларига яна 112 нафар болани жалб этдик.

Айтиш мумкинки, Самарқанддаги мазкур болалар спорт мажмуаси ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш борасидаги мақсадларга эришилишига хизмат қилайти. Бу ердаги эзгу ҳаракатлар, амалий ишлар бунинг яқол исботидир.

Абдурашулова САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: бадий гимнастика қизлар машғуллот пайтида. Ҳасан ПАЙДОВ оingan сурат.

КАТТА ҲАЁТ БЎСАФАСИДА

Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу йил вилоят касб-хўнар коллежларини 28 минг ўқувчи битирди. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида аини пайтда 90 фоиз битирувчи билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг тетапоа бўлиб кетишига ҳар жиҳатдан кўмаклашиш бутун жамоатчиликнинг эътиборида. Вилоят ҳокимининг йил бошида қабул қилинган 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисидаги қарорига кўра, касб-хўнар коллежларини битирганларнинг 1656 нафарига тадбиркорлик фаолиятларини шакллантириш учун микрокредитлар берилади. Бу имтиёз ҳаммадан кўра фарзандига иш қидираётган ота-оналарни хушнуд қилди. Хусусан, Қизилқум туманидаги Работга маҳалласидан Ойсанам Чоршанбиева туман бандлик кўмаклашувчи марказига келиб, тикувчилик касбининг эгалланган қизи Раънонинг номига кредит олоқчилигини айтиб, уни

расмийлаштириш тартибларини суриштирди.

Раъно педагогика касб-хўнар коллежиде ўқиди. Зардўзлик, каштачилик, пазандачилик, тикувчилик касбларини ўрганди. Энди у Халқ банкнинг туман бўлимидан олинажак кредитга янги тикув машинаси ва гилам тўкиш дастгоҳини харид қилди. Дугоналарини ўзининг кичик цехига ишга жалб этиш ниятида.

Шу туманнинг Кунчиқиш маҳалласида истиқомат қилувчи Хусниддин Қаршиев эса маиший хизмат касб-хўнар коллежини тамомлади. Болалигидан енгил автомобилларни созлашга кизиқарди. Коллежда ўқиган йиллари самарали кечди. Уйда отасидан, ўқув даргоҳида устозларидан ўзи севган касбининг

Бандлик

тараган шу жонажон юртининг қорига яраб меҳнат қилади.

— Бугунги ёшлар ҳаётга ўз қарашлари, билим ва касб малакалари билан кириб келаётганликлари эътиборга лойиқ, — дейди туман бандлик кўмаклашувчи марказ бошлиғи Асадилла Аннакулов. — Шунинг ўзи уларни ишга жалб қилишдек масъулиятли жараёнда бир қадам изчиллик ва енгиллик бахш этади. Иш берувчи билан муносабатларнинг самимий кечишини таъминлайди.

Асадилла Аннакуловнинг бу гапларида жон бор. Ху-

сусан, "Интеграл" корхонаси жамоаси олдиндан имзолаган шартномага кўра, 11 нафар битирувчини сафига олади. "Бандлик" уни-тар корхонаси, "Аскарбек университет", "Абдимаккон Хусейнов", "Сурхон қолбаси" каби ўнлаб хусусий корхоналар ҳам ўтказилаётган меҳнат бозорларида ёш мутахассислар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратдилар.

Бугунги ишларнинг маромини ижобий деб таъкидлаган ҳолда, А. Аннакулов муаммолар ҳусусида ҳам тўхталди: иш берувчи янги ходимнинг ишга жойлашгани тўғрисида буйруқ чиқаришни "пайсал" солади. Меҳнат дафтарчаси вақтида тўлдирилмайди. Ёки иш шартини яратиш, маошнинг ўз вақтида бериш борасида тушунмовчиликлар кўзга ташланиб қолади.

— Марказимиз қошида ташкил этилган ишчи гуруҳи узлуқсиз равишда мониторинг ишларини ўтказиб, муносабатларни мувофиқлаштириб бормоқда, — дейди А. Аннакулов. — Гуруҳ, айниқса, энди иш фаолиятини бошлаган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаб кетишларига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (22 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қисқа муддатли ёғимр ёғади. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Баъзи жойларда ёғимр ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёғимр ёғади.

Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Айрим туманларда ёғимр ёғади. Тунда 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёғимр ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Спорт • Sport • Спорт

СИНГАПУРДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Сингапур шаҳрида аёллар ўртасида сув тўпи (ватерпол) бўйича ўтказилган Осиё биринчилиги мусобақалари ҳамюртларимиз учун омадли келди.

Хитой, Япония, Таиланд, Малайзия сингари ўндан зиёд мамлакатларнинг спортчилари майдонга тушган нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган наманганлик ватерполчи қизлар барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, биринчи ўринни қўлга киритдилар. Мусобақалар давомида энг кўп тўп киритган спортчимиз Рамила Холиқова эса "Энг яхши тўпурар" номинатсияси бўйича голиб чиқди.

Қ. НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ — БОШ СОВРИН ДАВЪОГА

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) мусобақалари таъминига кирувчи "NBU Cup — 2010" халқаро турнирининг биринчи босқич беллашувлари якулланди.

Ўсмирлар ўртасида биринчи рақамда сараланган ўзбекистонлик Сергей Шипилов дастлабки босқичда ўз ҳамюрти Александр Цаткин билан куч синашди. Рақибини 6:3, 6:1 ҳисобида мағлуб этган С. Шипилов иккинчи даврага муваффақиятли ўтган тўқчи нафар ўзбекистонлик теннисчиси сафидан жой олди.

Жуфтлик беллашувларида бош совринга даъвогарлик қилаётган теннисчиларнинг ҳам аскарияти мезбонлардан иборат. Айниқса, иккинчи рақамда сараланган Пўлат Божонов ва Жаҳонгир Жалолов дустининг ўйини мухлис муваффақиятлари манзур бўлмоқда. Улар дастлабки учрашууда ҳиндистонлик Яш Дешланде ва ўзбекистонлик Антон Жамоловини 6:2, 6:1 ҳисобида енгди.

Турнирда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Темур Исмоилов ва Абдуворис Саидмухамедов, Михаил Есипов ва Павел Цой, Руслан Гусейнов ва Сардор Раҳимов, Шерзод Акрамов ва Мухаммадин Эрматов жуфтликлари билан бир қаторда, россиялик Арик Артунов ва Денис Марков, қозғистонлик Дмитрий Бородин ва беларуслик Алексей Каваленко ҳам иккинчи даврага йўлланма олди.

Қизларнинг яқалик баҳсларида Нателла Набиева, Арина Абдурахимова дастлабки кун муваффақият қозongan спортчиларимиз — Алина Огородова, Яна Хон, Арина Фольц ва Каролина Черная қаторига қўшилди.

Зоҳир ТОШҲЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси синтез бўлими муdiri, кимё фанлари доктори, профессор Хуснутдин Шохидовтовга волидаи муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқаруш кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори Камолитдин Маҳмудова турмуш ўртоғи

Муборак МУСАЕВ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Халқаро Hamkorlik Markazi" акциядорлик компанияси компаниянинг хавфсизлик хизмати бошлиғи Жамшид Шадибековга ўли

ЖАСУР аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қасба уюшма кўмитаси Олий математика кафедраси доценти Ақром Ғуломовга отаси

Рустам ҒУЛОМОВ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатга лойиқ «Мўъжиза» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16% миқдорда даромад тўлаш шарт билан қабул қилинади. Шу билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақланган сўнг, омонат қолдигига 4% бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Кўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўёмалар таърир қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди. Режама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида термид хамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.50

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳас — Ш. Машраббеов.

1 2 4 5